




Каттакўрғон шаҳар Тошкент кўчаси атрофидан “OQ OLTIN INVEST” МЧЖга
МДФ эшик-ромлар ва сантехника жиҳозлари ишлаб чиқариш цехи қуриши учун
1,6 га ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги
54-сон “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид
бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни
қуришга рухсатномалар бериш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига
мувофиқ ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш, ҳамда “OQ OLTIN INVEST”
МЧЖ раҳбарининг шаҳар ҳокими номига ёзган хатини ва Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил, 25-февралдаги № 54-сон “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда
кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш
бўйича тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид
бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш бўйича тузилган комиссия
аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттакўрғон шаҳар Тошкент кўчаси атрофидан “OQ OLTIN INVEST”
масъулияти чекланган жамиятига МДФ эшик-ромлар ва сантехника жиҳозлари ишлаб
чиқариш цехи қуриши учун 1,6 га ер майдони ажратилсин.
3. “OQ OLTIN INVEST” масъулияти чекланган жамияти раҳбарига
белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида МДФ эшик-
ромлар ва сантехника жиҳозлари ишлаб чиқариш цехи қуриши учун ҳужжатларни
расмийлаштириш юклатилсин.
4. Ушбу қарор тегишли корхоналардан техник шартлар ва тегишли
бўлимлардан рўхсатномалар олиш учун асос ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.
5. Шаҳар бош архитектори (О.Розиков) ва Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри
корхонаси (У.Туропов)га “OQ OLTIN INVEST” масъулияти чекланган
жамиятига МДФ эшик-ромлар ва сантехника жиҳозлари ишлаб чиқариш цехи қуриши
учун ажратилган ер майдонини натура тарзда ўлчаб бериш ва тегишли
далолатномаларни расмийлаштириш топширилсин.
6. “OQ OLTIN INVEST” масъулияти чекланган жамияти раҳбари томонидан
ҳокимлиги томонидан тасдиқланган тармоқ жадвали асосида белгиланган
мулатларда қурилиш ишларини тугатиш ва фойдаланишга қабул қилиш ишлари
амалга оширилмаса қонунчиликда белгиланган тартибда ер майдонини шаҳар
ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши белгилаб қўйилсин.
7. “OQ OLTIN INVEST” масъулияти чекланган жамиятига МДФ эшик-ромлар
ва сантехника жиҳозлари ишлаб чиқариш цехи қуриши учун ажратилган ер
майдонини бошқа мақсадлар учун фойдаланиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.
8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари
М.Хашимов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими


М.Хашимов